ШАХСНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА “АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ”НИНГ ЗАРУРЛИГИ

Г.О.Эрназарова

Мақолада шахсни касбий фаолиятга тайёрлашда акмеологик ёндашув зарурати, таълимда шахснинг ривожланишини, уни касбий фаолиятга тайёрлашни акмеологик ёндашув асосида такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: *акмеологик ёндашув, касбий тайёргарлик, касбий етуклик, касбий фаолиятга тайёрлаш, касбий йўналганлик.*

В статье показана необходимость акмеологического подхода к подготовке личности к профессиональной деятельности.

Ключевые слова: *акмеологический подход, профессиональная подготовка, профессиональная зрелость, подготовка к профессиональной деятельности, профессиональная направленность.*

The article stresses the necessity of acmeological approach in the process of preparation of the person for professional activity as well as evolution of the person in the process of education by means of acmeological approach.

Key words: *acmeological approach, professional activity, personality tasks, preparation for professional activity.*

Ҳар қандай жамиятда таълим-тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Чунончи, И.А.Каримов ўз асарларида “Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ” деб таъкидлаган [1]. Республикада сифатли мутахассислар тайёрлаш устувор масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бунда шахсни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Касбий таълимда шахсни касбий фаолиятга тайёрлашда акмеологик ёндашув муҳим ўрин тутади. Акмеологик ёндашув талабани танлаган касб-кори, ихтисослиги доирасида ўз ижодий салоҳиятини тўла очиш ва амалда намойиш этишига боғлиқ бўлган билимлар, амалий кўникмалар, малакалар, технологиялар билан таъминлаш, унинг психологик ва касбий етуклигини, инсон ҳаётидаги ҳар бир ёш даврида энг юксак даражага эришиши қонуниятларини ўрганади.

Акмеология таълимда шахснинг шаклланиши жараёнидаги “акме” даврида психик ривожланиш (акме – гр., чўққи, энг юксак даража, яъни жисмоний, ақлий, ахлоқий даражаси) қонуниятларини тадқиқ этади. Ушбу фан, инсоннинг ривожланиши, етукликка етишидаги пиллапоялари, унинг энг юксак даражага эришиши, ривожланиш сифати, шахс фаолиятини ўрганади [5].

«Акмеология» - инсонни ҳаёт фаолиятининг турли соҳа ва шаклларида юксак даражага эришиш имкониятини ўрганишда, унинг ҳаёти фаолиятида юксак даражага эришишнинг умумий назарий қонунияти сифатида кўплаб (маданиятшунослик, психология, педагогика, фалсафа, тизимшунослик, геронтология, андрогогика, педиология каби) одам ҳақидаги фанлар билимларини интеграллаштиради.

Ҳозирги вақтда умумий акмеологиянинг бошқарув, ҳарбий, спорт, педагогик ва бошқа тармоқлари мавжуд.

Шахсни касбий фаолиятга тайёрлашда акмеологик ёндашув:

· мақсадга, касбга йўналтирилган инсонни ривожлантириш,

· таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни ривожлантириш,

· касбий таълим тизимида маҳсулдор фаолиятни ривожлантириш ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

Акмеология шахснинг янги интегратив фикрлаш усулларини шакллантиради, одамнинг ахлоқий хулқ-атвор мотиви асосида инсонда ўз-ўзини ривожлантиришнинг ошиши, замонавий ҳаётга

кўникиш, ўз-ўзини намоён қилиш моделини шакллантиришга ва инсоннинг индивидуал дастурини яратишга ёрдам беради. Шахсни ўқув жараёнида касбий фаолиятга тайёрлашни шакллантиришда тўрт хил ёндашув мавжуд:

1. **Касбга йўналтирувчи ёндашув**. Бунда касбий таълим жараёнида талабаларнинг мотивацияси, уни шакллантириш шароитлари ва ривожлантириш йўллари ўрганилади.

2. **Фаолиятли ёндашувда** касбий қобилиятларни шакллантиришда фаолият шароитлари ўрганилади; касбий фаолият таъсирида шахсдаги ўзгаришлар ҳамда муҳим касбий фазилатларнинг шаклланиши тадқиқ қилинади.

3. **Акмеологик ёндашув** касбий малакалар даражасини эгаллаш ва юқори касбий натижаларга эришиш шарт-шароитларини ўрганади.

4. **Комплекс мажмуавий ёндашувда** бир томондан шахснинг ўқув ва касбий фаолияти, иккинчи томондан касбий ва ўқув фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи мажмуавий сифатлар тадқиқ этилади [4].

Касбга йўналтирувчи ёндашув негизида психодиагностик йўналиш ишлаб чиқилади. Замонавий методикалар тренинг характерида бўлиб, талабаларни ўз-ўзини намойиш этиш ва иш резюмесини туза олишга йўналтиради.

Фаолиятли ёндашув – шахс фаолияти мотивацияси орқали шахсни мунтазам ўрганишни ўзида мужассам этган кенг тушунчадир. Шахс онги ва фаолияти ягона тизимни ташкил этади: онг пайдо бўлади ва фаолиятда ривожланиб, намоён бўлади, фаолиятнинг фаол характери эса онг орқали аниқланади. Фаолият ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолияти каби турларга фарқланади ва ҳар бир тур инсон ҳаётининг муайян ёш босқичларида етакчи ўрин тутади.

Акмеология шахснинг янги интегратив фикрлаш усулларини шакллантиради, одамнинг хулқ-атвор мотиви асосида инсонда ўз-ўзини ривожлантиришнинг ошиши, замонавий ҳаётга кўникиш, ўз-ўзини намоён қилиш моделини шакллантиришга ва инсоннинг индивидуал дастурини яратишга ёрдам беради.

Муҳим касбий фазилатлар шахснинг касбий вазифаларига муносабати ҳамда фаолият шароити ва мазмунини қабул қилиш даражасини ифодалайди.

Комплекс мажмуавий ёндашув сифат жиҳатдан юқорида санаб ўтилган ёндашувларни бирлаштиради. Касбий фаолият жамият мавжудлигининг асосий омили сифатида аниқ бир шахснинг ютуқларига боғлиқдир. Комплекс (мажмуавий) ёндашувда биринчи ўринда шахс (меҳнат субъекти) туради. Шу билан бирга ўқув ва касбий фаолият шахснинг ижтимоийлашувида етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, комплекс мажмуавий ёндашувда шахснинг ахлоқий йўналганлиги (талабанинг ғоявий қарашлари); темперамент хусусиятлари, тайёргарлиги (тажрибаси), когнитив жараёнлари, шахснинг умумий хусусиятлари (характер ва қобилиятлари) ҳам ўрганилади.

Талаба биопсихик хусусиятларга эга бўлиб, ушбу касбга лаёқатлилигини ифодалайди. Психик жараёнларнинг хусусиятлари шахс индивидуал фаолиятида намоён бўлувчи когнитив ва эмоционал хусусиятларида аниқланади. Шахснинг йўналганлиги фаолият мотивация ҳамда унинг маънавий-ахлоқий сифатлари, фаоллик даражасини ўзида ифода этади. Шахс тажрибаси эса алоҳида касбий сифатлар билан бир қаторда унинг ижтимоий тажрибаси негизида шаклланади.

Комплекс мажмуавий ёндашувга асосланиб касбий таълим жараёнида шаклланувчи қуйидаги сифатларни ажратиш мумкин.

1. **Касбий йўналганлик:**
- касбий танлов мотивацияси,
- касбий шаклланишга йўналганлик,
- касбни эгаллашда жамоавий ёки индивидуал йўналганлик,
- касбни эгаллаш жараёнида ўз-ўзини баҳолаш анъаналари.

2**. Касбий тажриба:**
- касб-ҳунар коллежига киргунича касб ҳақидаги тасаввурлари,
- ўз касбий хислатлари даражасига муносабати.

3. **Психик жараёнларнинг хусусиятлари:**
- когнитив жараёнларнинг кечиши,
- эмоционал жараёнларнинг тезкорлиги.

4**. Биопсихик хусусиятлар:**
- касбий лаёқатни,
- касбий фазилатни ифодалайди [2].

Санаб ўтилган барча жараёнлар нафақат аудиторияда, балки малакавий ишларда интеграллашган тарзда амалга оширилса, шахснинг шаклланиши таъминланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, касбий моҳирликка эришишнинг объектив ва субъектив омиллари, таълим олувчиларнинг ўқишда ютуқларга эришиши ва ривожланиши, ўқув фаолияти, жамоа фаолияти субъекти сифатида касбий таълим жараёнида субъектнинг энг юксак даражага эришиш мақсадида акмеологик ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Касбий таълимдаги акмеологик ёндашувда етакчи омиллар деб:

- етуклик (ижтимоий, касбий, шахсий, ёш даври),

- касбийлашув, муваффақият, ютуқ,

- юқори ютуққа эришиш мотивацияси,

- маҳсулдорлик (натижавийлик) ва бошқалар ҳисобланади.

Акмеологик ёндашувни қўллаш учун:

1) ҳар бир талабанинг индивидуал ривожланишида энг юксак даражага эришишига йўналтирилган таълим даргоҳларидаги шарт-шароитлар;

2) таълим муассасаси битирувчисининг келгуси касбий моҳирлиги таҳлилининг зарурлиги, касб танлаш мотивацияси, таълим олувчиларнинг касбий тайёргарлиги, олий таълим ва иш берувчилар билан ҳамкорлик мазмунига эга бўлиш;

4) замонавий касбий таълимнинг функцияланиши ҳамда педагогика, психология, валиология, физиология, одам генетикаси ва фалсафа фанларини ўқитишни ташкил этишда фанлар интеграцияси;

5) комил инсонни вояга етказиш учун ва унинг замонавий жамият шарт-шароитида ижтимоийлашуви, ўқиш мобайнида ўз-ўзини ривожлантириш, фаол ҳаёт фаолияти мотивацияси, муваффақиятсизликдан қочиш эмас, балки муваффақиятга эришиш мотивацияси, ўзига ишониш, муваффақиятни таъминлаш муҳим.

Касбий таълимда акмеологик ёндашув қуйидаги вазифаларни ечишга даъват этади:

- таълим муҳитида вояга етаётган инсоннинг тўлиқ ва мустаҳкам ривожланиши (етуклик, соғломлик, ижодкорлик, маънавийлик, индивидуаллик ва бошқалар) вариатив (жузьий ўзгариш натижасида юзага келган янги кўриниш) акме шаклларини ўрганиш;

- индивидуал натижани таъминловчи ўқитувчи ва талаба шахсини ривожлантириш (субъектив, объектив ва субъектив-объектив) омилларни намоён этиш, ечимларни топиш усуллари ва фаолиятда эришилган натижалар даражаси ўртасидаги боғлиқлик бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида, уларнинг ижодкорлиги, ҳамда талабаларнинг индивидуал, жамоавий ва гуруҳий ўқув-билиш фаолиятида юқори маррага эришиш стратегияси ва тизимини педагогик моделлаштириш;

- юқори касб маҳоратига эришиш, камолотга эришаётган инсоннинг шахсий ривожланишини тадқиқ этиш.

Акмеологик ёндашув ҳозирги вақтда ўқув муассасаси учун энг истиқболли ҳисобланади. Унинг таълим мазмуни, технологиясида қўлланилиши таълим сифатини оширади.

Замонавий ўқитиш сифатининг долзарблигига кўра таълимга акмеологик ёндашув муҳим бўлиб бормоқда.

Демак, акмеологик принципларни ўрганиш ва уларнинг апробацияси ҳамда акметехнологиядан фойдаланиш таълим сифати муаммосини ечишга шароит яратади.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1998. – Б.31-61.

2. Профессиональная педагогика: Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. Под ред. С.Я.Батышева, А.М.Новикова. Издание 3-е, переработанное.- М:. Из-во ЭГВЕС, 2009.- 456 с.

3. В.А. Скакун. Организация и методика профессионального обучения. Учебное пособие.- М:. ФОРУМ-ИНФРА.- М, 2007. -178 с.

4. А.Р.Ходжабаев, Ш.У.Қосимов. Амалий касбий таълимни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ, 2007. -150 б.

5. Акмеология: учебник / Под ред. А.А.Деркача.- М.: РАГС, 2006.

ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ,
2016 йил 15 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Р.Ходжабаев)